

“Ўзкимесаноатлойиха” АЖ  
Акциядорларнинг Умумий йиғилиши  
Қарори билан  
“ТАСДИҚЛАНДИ”  
2016-йил 23 июндаги  
22-сонли баённома

**“Ўзкимесаноатлойиха” АЖнинг  
Дивидент сиёсати ҳақидаги  
НИЗОМ**

## **Мундарижа:**

1. Умумий қоидалар
2. Дивидендларнинг миқдорини аниқлаш ва ҳисоблаш тартиби
3. Дивидендларни тўлаш тартиби ва муддатлари
4. Эълон қилинган дивидендларни тўлаш учун масъул
5. Ахборотни очиш тартиби
6. Хулоса

## 1. Умумий қоидалар.

1. “Ўзкимесаноатлойиха” АЖнинг дивидендлар сиёсати ҳақидаги мазкур Низом Ўзбекистон Республикасида амал қилувчи Қонунчилигига, “Ўзкимесаноатлойиха” АЖ Уставига, акциядорлар жамияти фаолиятини самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича Комиссиянинг 31.12.2015-йилдаги йиғилишининг 9-сонли қарори билан тасдиқланган корпоратив бошқарув Кодексига ва Жамиятнинг бошқа ички ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилди.

Мазкур Низомда умумий саволлар келтирилади, улар “Ўзкимесаноатлойиха” АЖнинг дивидендлар сиёсатида акс эттирилиши ва очилиши керак.

2. Жамиятнинг дивиденд сиёсати акциядорларнинг фаровонлигини оширишга ва Жамиятнинг капитализация суръатини ўсишини таъминлашга қаратилган. Низом Жамиятнинг дивиденд сиёсати ҳақида акциядорларни ва бошқа манфаатдор шахсларни ахборотлар билан таништиришни ўзига мақсад қилиб қўйган.

Мазкур Низом акциялар ва уларни тўлаш тартиби бўйича дивидендларнинг миқдори бўйича тавсияларни ишлаб чиқишга Жамиятнинг Кузатув кенгаши ёндошишини аниқлаш учун мўлжалланган.

Агар Жамиятнинг акциядорларига дивидендларни тўлаш билан боғлиқ баъзи бир саволлари Ўзбекистон Республикасининг “Акциядор Жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақидаги” Қонунининг меъёрларини Ўзбекистон Республикасининг бошқа меъёрий-ҳуқуқий далолатномаларини Жамиятнинг Уставини ва мазкур Низомни, унда улар акциядорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш заруриятидан келиб чиққан ҳолатда ҳал этилиши керак.

3. Ушбу дивидендлик сиёсати 2020-йилгача ишлаб чиқилган “Ўзкимесаноатлойиха” АЖ бу давр ичида оддий акциялар бўйича камида 3% миқдорида акцияларнинг номинал нархидан дивиденд тўлашни мўлжаллаган, Жамият тоза фойда олишига боғлиқ ҳолда тўлайди.

4. Жамиятнинг акцияларидан даромадни чиқариб олиш бўйича акциядорларнинг мулкӣ манфаатларини қониқтиришни асосий усулларида бири деб капитализацияни ошириш керак экан деган хулосани Жамият кўриб чиқмоқда. Дивиденд сиёсати бу-акциянинг бозор нархини ошириш мақсадида Жамият томонидан олинган фойдани истемолдаги ва капитализация қилинаётган қисмлар ўртасида пропорцияни оптималлаштиришдан иборат.

5. Жамиятнинг Дивиденд сиёсати қуйидаги асосий принциплар бўйича асосланади:

- Шаффофлик принципи деб, дивиденд сиёсатини амалга оширишда қатнашаётган томонларнинг мажбуриятлари ва жавобгарлиги ҳақида ахборотларни аниқлаш ва фош этиш деб тушунилади, шу жумладан, дивидендни тўлаш ва миқдори ҳақидаги қабул қилинадиган қарорнинг тартиби ва шартлари тушунилади;

- Ўз вақтидалиқ принципи деб, - дивиденд тўловларини амалга оширишда вақт чегараларини ўргатиш тушунилади;

- Асосланганлик принципи деб, Жамиятнинг реалмолиявий ҳолатидан келиб чиққан ҳолда ривожланиш режасини ва унинг инвестиция дастурини ҳисобга олган ҳолда ижобий молиявий натижага Жамият фақат эришган ҳолатда қабул қилиниши мумкин бўлган дивидендни миқдори ва тўлаш ҳақидаги қарор тушунилади;

- Адолатлилиқ принципи деб, дивидендларни тўлаш, миқдори ва тўлаш тартиби ҳақида қабул қилинаётган қарор тўғрисидаги ахборотларни олишда акциядорларнинг тенг ҳуқуққа эга эканлиги тушунилади;

- Кетма-кетлилиқ принципи деб, дивидент сиёсатида бажариладиган иш тартиби ва принципи ижросининг қатъийлиги тушунилади;

- Ривожланиш принципи деб, Жамиятнинг стратегик мақсадларининг ўзгаришига боғлиқлик сабабида корпоратив бошқарувида бажариладиган ишлар тартибини яхшилаш

доирасида ва унинг ҳолатини қайта кўриб чиқишда дивиденд сиёсатини мунтазам такомиллаштириш тушунилади;

- Барқарорлик принципи деб, дивиденд тўловларини стабил даражада таъминлашга Жамиятнинг интилиши тушунилади.

6. Жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендларни тўлаш ҳақидаги қарор қабул қилиниши Жамиятнинг ҳуқуқи ҳисобланади. Акциядорларнинг Умумий йиғилиши акциялар бўйича дивидендларни тўлаш ёки тўламаслик ҳақидаги қарорни қабул қилиш ҳуқуқига эга.

7. Эълон қилинган дивидендларни тўлаш Жамиятнинг мажбуриятлари ҳисобланади.

Дивидендларни тўлаш билан боғлиқ ҳаражатлар, бошқарув органининг қарори бўйича дивиденд олувчи акциядорга юклатилиши мумкин эмас. Жамият акциядор олдида бу мажбуриятни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикасида амал қилувчи Қонунчиликка мувофиқ жавобгардир.

8. Қуйидаги акциялар бўйича дивидендлар ҳисобланмайди ва тўланмайди:

- Жойлаштирилмаган;

- Жамиятнинг ўзи томонидан олинган ва/ёки сотиб олинган;

- Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида назарда тутилган бошқа ҳолатларда.

9. “Акциядорлар Жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақидаги” қонуннинг 54-модда биринчи қисмда кўзда тутилган ҳолатларида Жамият акциялар бўйича дивидендларни тўлаш ҳақидаги қарорни қабул қилишга ва тўлашга ҳуқуқи йўқ.

## **2. Дивидендларнинг миқдорини аниқлаш ва ҳисоблаш тартиби.**

10. Жамият акциялар бўйича дивидендларни тўлаш ҳақидаги қарорни молиявий йилнинг биринчи чораги, биринчи ярим йиллиги, тўққиз ойлик натижалари бўйича ва/ёки молиявий йил натижалари бўйича қарорни қабул қилишга ҳуқуқи бор, 8-бандда кўрсатилган ташқари.

Молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойлиги натижалари бўйича дивидендларнинг тўлаш ҳақидаги қарор тегишли давр тугаганидан сўнг уч ой давомида қабул қилиниши мумкин.

Дивидендлар, Жамият ихтиёрида қолган ва ўтган йиллардагидаромадни тақсимланишидан қолган Жамиятнинг соф фойдасидан тўланади. Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар Жамиятнинг бу фонд учун мўлжалланган махсус счёти бўйича ҳам тўланиши мумкин. Бунда дивидендларни ўз вақтида тўлаш мақсадида ва оборотдан маблағларни дивидендларни тўлаш учун олиниши сабабли Жамиятнинг молиявий ҳолати ёмонлашишини олдини олиш мақсадида, Жамиятнинг фойда пули ҳисобидан ишончсизлик бўйича дебитор қарздорлик захираси Жамият томонидан тузилади.

11. Жамият акциядорларнинг Умумий йиғилиши акцияларнинг ҳар бир тоифаси бўйича дивидендларни тўлаш ҳақида қарор қабул қилади. Жамиятнинг Кузатув кенгаши акциядорларнинг Умумий йиғилишига акциялар ва уларни тўлаш тартиби бўйича дивидендларнинг миқдори бўйичи тавсиялар беради. Дивидендларнинг миқдори Кузатув кенгаши берган тавсиясидан кўра кўп бўлиши мумкин эмас.

12. Дивидендларни тўлаш ҳақида акциядорлар Умумий йиғилишининг қарори билан қуйидагилар аниқланган бўлиши керак:

- Акцияларнинг тоифаси, улар бўйича тўланаётган дивидендлар;

- Белгиланган турдаги битта акцияни ҳисоблаганда дивидентнинг миқдори;

- Дивидендларни тўлаш муддати, тартиби ва даврийлиги.

Шу билан бирга, Жамият Қонунчиликда ўрнатилган ҳолатда дивидендларни ҳисоблаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳуқуқи йўқ, ҳамда Қонунчиликда белгиланган муддатларда оддий акциялар бўйича дивидендларни тўлиқ тўлаш имконияти бўлмаганида, қарор қабул қилишга ҳуқуқи йўқ.

13. Акциялар бўйича дивидендларни акциядор йиғилишига тавсия этилаётган миқдори, қуйидаги омиллардан келиб чиққан ҳолда Кузатув кенгаши томонидан аниқланади:

- Соф фойда миқдори, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида, уларнинг ишончлилиги аудиторнинг хулосаси билан тасдиқланган;
- Келгуси даврларга Жамиятнинг молиявий-хўжалик режа асосида;
- Тегишли давр охирида Жамият маблағлари оборотининг структураси;
- Тегишли даврларнинг охирларига Жамиятнинг қарздорлик нагрузкасига оид.

14. Кузатув кенгашига тавсия этилаётган дивидендларнинг миқдорини аниқлашга Жамиятнинг келажак даврдаги, жорий ва келажакдаги оборот воситаларининг ҳолатига ва мажбуриятларида Жамиятнинг молиявий-хўжалик режаларини ҳисобга олиш керак. Акциядорларнинг Умумий йиғилишига Кузатув кенгаши томонидан тавсия этилаётган дивидендларни тўланиши Жамият томонидан молияни қўшимча қарздорликка ёки келгуси даврлар учун тасдиқланган молиявий-хўжалик режасида назарда тутилмаган бошқа ҳаражатларга жалб қилиниши мумкин эмас.

### **3. Дивидендларни тўлаш тартиби ва муддатлари.**

15. Жамият дивидендларни пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёки Жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўлайди. Эълон қилинган дивидендлар Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида тўланади ёки Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлмаган-акциядорнинг ёзма талабномаси бўйича Жамият унга ҳисобланган дивидендларни валютада эркин конвертациялашда конвертацияни амалга ошириб, резидент бўлмаган акциядор тақдим этган банк ҳисоб рақамига маблағни ўтказиш йўли билан тўлайди.

16. Дивидендларни тўлаш муддатларини Жамият Акциядорларнинг Умумий йиғилиши қарори билан тайинланади, лекин Акциядорларнинг Умумий йиғилишида дивидендларни тўлаш ҳақида қарор қабул қилинган кундан бошлаб 60 кундан ошмаслиги керак.

17. Агарда Жамиятнинг қимматли қоғозлари эгаси Акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан белгиланган муддатларда унга ҳисобланган дивидендларни ололмаган ҳолатида, Жамият бу каби талаб этилмаган дивидендларни тўлашни давом эттиради. Талаб этилмаган дивидендларни тўлаш даври эълон қилинган дивидендларни тўлаш бўйича Жамият олган мажбуриятларининг ижро этиш муддатлари тугаган ташкил этиши мумкин эмас.

18. Акциядорларнинг Умумий йиғилишида белгиланган муддатларда-дивидендларни Жамиятнинг айби бўйича тўланмаган ҳолатида, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида ўрнатилган маблағ ажратиш ставкасидан келиб чиқиб, тўланмаган дивидендларга пеня ҳисобланади. Тўланмаган дивидендлар бўйича ҳисобланган пеня миқдори, тўланмаган дивиденд суммасидан 50%дан ошмаслиги керак.

19. Жамиятнинг структура бўлинмаси, ўзининг вазифаси қаторида акциядорлар билан ишларни ташкил этиш ва олиб боришда, Жамиятнинг бухгалтерияси билан ҳамкорликда, ушбу Низомда назарда тутилган, дивидендларни Жамият томонидан дивидендларни тўлашни ташкил этиш бўйича барча чора-тадбирларга тайёргарлик кўришни, мувофиқлаштиришни ва олиб борилишини амалга оширади.

20. Ҳар бир акциядор акциялар бўйича дивидендларни ҳисоб-китоби тартиби ҳақида, дивидендларнинг суммасини ҳисоблаш тартиби ва дивидендларга қўйилаётган солиқ суммаси, тўлаш шартлари бўйича ахборотларни тақдим этиш билан Жамиятга мурожаат этишга ҳуқуқи бор.

21. Акциядорларнинг Умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган акциядорлар Жамияти реестрига рўйхатга олинган шахслар, акциялар бўйича дивидендларни олишга ҳуқуқи бор, бу ерда акциядорларга дивидендларни тўлаш ҳақида қарор қабул қилинганида.

22. Агарда акциялар улушлар мулкка эгалик ҳолатида бўлганида, дивидендлар, ўрнатилган тартибда, уларнинг улушига пропорционал равишда акциядорлар ўртасида тақсимланади.

23. Акциядор ўзининг маълумотларининг ўзгаришлари ҳақида ўз вақтида инвестиция воситачи орқали ва/ёки унинг акциялари ҳуқуқини ҳисобга олиш бўйича хизмат корсатувчи қимматли қоғозларнинг Марказий депозитарий, хабардор қилиши керак. Ўзи ҳақидаги маълумотларнинг ўзгариши ҳақидаги ахборотларни акциядор тақдим этмаган ҳолатида, Марказий депозитарий ва инвестиция воситачис унинг акциясининг ҳуқуқларини ҳисобга олиш бўйича хизмат кўрсатувчилар, бу акциядорга етказилган зарар билан боғлиқ зарар учун жавобгарликка тортилмайди.

24. Агарда акциядор ўзининг банк реквизитларини нотўғри кўрсатган бўлса ёки дивидендлар ўтказиш учун манзилни нотўғри кўрсатган бўлса ёки Жамиятга кўрсатилган реквизитлар ҳақида хабар бермаган бўлса, ёки улар ҳақида хабар бермаган бўлса, акциядорга етказилган зарар учун жавобгарликка топилмайди. Акциядорнинг айби бўйича дивиденднинг нотўғри ўтказилган суммаси Жамиятга қайтиб келгандан кейин, ушбу бандда кўрсатилган сабаблар бўйича акциядорнинг айби бўйича, такроран уларни кўрсатган аниқланган реквизитлари бўйича, уларни қайтаришлари ва такроран юборишлари учун ҳаражатларни олиб ташлаб, аниқланган реквизитлар бўйича акциядорга такроран уларни юборишади.

25. Жамият солиқ агенти бўлиб ҳисобланади, акциядорларга тегишли бўлган акцияларнинг даромадлари тўлашда ва Ўзбекистон Республикасида амал қилувчи Қонунчиликда ўрнатилган солиқни қимматли қоғозлар бўйича олинаётган даромадлар учун ҳисоблаб, чиқариб олгач, ҳисобланган дивидендларни тўлашни амалга оширади. Акциядор, унга нисбатан стандарт ставкада солиққа тортиш қўлланилмайди, Жамиятга, Ўзбекистон Республикасида, ўрнатилган тартибда, амал қилувчи Қонунчиликка мувофиқ тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этади.

#### **4. Эълон қилинган дивидендларни тўлаш учун жавобгарлик.**

26. Ҳар бир турдаги акциялар бўйича эълон қилинган дивидендларни Жамият тўлаши шарт.

27. Дивидендларни тўлашда акциядорларнинг ҳеч қайсиси тўлаш муддати бўйича имтиёзга эга эмас.

Оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни Жамият томонидан тўлаш, дивидендларни олишда акциядорлар тенг ҳуқуққа эгалигига риоя этган ҳолда амалга оширилади. Шу билан бирга Жамият йирик акциядорга дивидендни тўлашга ҳуқуқи йўқ, агарда бунинг натижасида ўрнатилган муддатда миноритар акциядорга дивидендни тўлаш таъминланмаган бўлса.

28. Жамиятнинг Ижроия органи Жамиятнинг акциядорларига дивидендларни тўлиқ ва ўз вақтида тўланишига жавобгардир. Ижроия органнинг фаолияти учун назоратни Жамиятнинг Кузатув кенгаши Жамиятнинг Тафтиш комиссияси билан биргаликда амалга оширадилар.

29. Ҳисобланган дивидендларни тўланишини таъминлаш мақсадида Кузатув кенгаши ўзининг йиғилишларида дивидендларни тўланишининг бориши ҳақида масалани кўриб чиқади. Жамиятнинг Ижроия органининг айби бўйича дивидендларни тўлаш тўлиқ ёки ўз вақтида бўлмаса Кузатув кенгаши айбдор шахсларнинг жавобгарлик чораларини аниқлайди ва тегишли санкция қўллайди ёки уларнинг қўйган тақиқни олиб ташлайди.

30. Жамият ўз мажбуриятларини ижро этмаган ҳолатида акциядорлар судлашиш тартибида ҳар бир турдаги акциялар бўйича эълон қилинган дивидендларни тўланишини талаб қилишга ҳаққи бор.

31. Дивидендлардан солиқни ушлаб қолиш ва ўтказиш бўйича солиқ агенти мажбуриятлари Жамиятга юклатилган ижрони бажармаслик ёки тегишлича бажармаслик учун Жамият Ўзбекистон Республика Қонунчилиқка мувофиқ жавобгардир.

## **5. Ахборотни очиш тартиби.**

32. Мазкур Низом, ҳамда унга киритиладиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар, Жамият томонидан очилади унинг корпоратив веб-сайтида Интернет тармоғида Жамиятнинг бошқарув органи йиғилиши баённомаси имзо қўйилганидан сўнг ўн кун ичида, тегишли қарор қабул қилингандан сўнг фoш этилади.

33. Акциядорларнинг Умумий йиғилишида дивидендини тўлаш ҳақида қарор қабул қилишда Қонунчиликда белгиланган муддатларда муҳим фактлар ҳақида хабарнома шаклида ахборотни Жамият очади. Шу билан бирга Жамият томонидан электрон почта бўйича акциядорларга уларга дивидендларни ҳисобланиши ҳақида хабарнома юборилади.

34. Дивидендларни тўлаш бўйича ўзининг мажбуриятларини Жамият томонидан бажариш факти бўйича, Қонунчиликда белгиланган муддатларда муҳим факт ҳақида хабар шаклида тегишли ахборотни Жамият томонидан фoш этилади.

## **6. Хулоса.**

35. Мазкур Низом, ҳамда унга киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимчалар Акциядорларнинг Умумий йиғилишининг қарори билан тасдиқланади.

36. Мазкур Низомга ўзгартиришлар ва қўшимчалар Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари томонидан, Жамиятнинг ички аудиторлик хизмати томонидан, Жамиятнинг Ижроия органи раҳбари томонидан берилаётган таклифлар бўйича киритилади.

37. Агарда мазкур Низомнинг айрим моддалари Ўзбекистон Республикасида амал қилувчи Қонунчиликка ва-ёки Жамият Уставига қарама-қарши чиқса, бу моддалар ўз кучини йўқотади ва Ўзбекистон Республикасида амал қилувчи Қонунчиликдаги меъёрларга ва/ёки Жамият Уставига амал қилиши керак, яъни бу моддалардаги масалаларни тартибга солиш қисмида Низомга тегишли ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиш вақтигача.